

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

Бокубаев Камил Юлчибаевич

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг
Кўқон филиали катта ўқитувчиси

bokubayev@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушибу мақолада Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиришилар фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари кўламини кегайтирилганилиги ва у янги конституция томонидан кафолатланиши, фуқароларга ҳуқуқларини таъминланишида конституциявий нормаларга риоя этилиши, акс холда тегишли қонунчиликларга асосан жавобгарликка тортлишилари кўрсатиб ўтилган.

Калим сўзлар: норма, янги таҳрир, Ўзбекистон, иқтисодий, Конституция, Республика, ижтимоий, маданий, муносабат, ҳуқуқ, инсон, шахс, тартиб, ҳимоя, эркинликлар, сиёсий, экологик, инсон, кафолат.

ЛИЧНОСТЬ ГРАЖДАН В НОВОЙ КОНСТИТУЦИИ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРАВ И СВОБОД.

АННОТАЦИЯ

В данной статье показано, что внесенные в Конституцию Республики Узбекистан в новой редакции изменения расширили объем прав и свобод граждан и что это гарантируется новой Конституцией, что конституционные нормы соблюдаются в обеспечении прав граждан в противном случае они привлекаются к ответственности согласно соответствующему законодательству.

Ключевые слова: норма, новая редакция, Узбекистан, экономическая, Конституция, Республика, социальная, культурная, отношения, права, человека, личность, порядок, защита, свободы, политические, экологические, человеческие, гарантии.

ABSTRACT

This article shows that the changes made to the Constitution of the Republic of Uzbekistan in the new edition expanded the scope of rights and freedoms of citizens and that this is guaranteed by the new Constitution, that constitutional norms are observed in ensuring rights. citizens, otherwise they will be held accountable in accordance with the relevant legislation.

Keywords: norm, new edition, Uzbekistan, economic, Constitution, Republic, social, cultural, relations, rights, human, personality, order, protection, freedom, political, environmental, human, guarantees.

Янги Конституция – баҳтимиз қомуси.

КИРИШ

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг энг асосий нормалари қайд этилган шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишига оид умумий қоидалар ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Янги Конституциянинг VII–X боблари шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ва иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларига доир энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни қамраб олган. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда уларнинг кафолатларини билиб олиш ҳар бир фуқаронинг кундалик ҳаётида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Янги Конституциянинг 25-моддасида Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятлиги қайд этилган ва Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади. Демак яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб, у ҳуқуқдан яъни яшаш ҳуқуқидан ҳеч ким ажратса олмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Янги Конституциянинг 26-моддасида инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир ва ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши шунингдек ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Ушбу моддада мустаҳкамланган нормалар Ўзбекистон Республикаси халқининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган қоидалардан ҳисобланади.¹ Шахс шаъни деганда, шахс юриштуришига нисбатан ўзга шахсларнинг берган маънавий-ахлоқий баҳоси тушунилади. Қадр-қиммат - шахснинг жамиятдаги ўрнига, шахсий хусусиятларига, қобилиятларига, дунёқарашига қараб ўзини ўзи ички баҳолашидир.

¹ Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 1 май.25-модда.

Ушбу конституциявий нормалар шахснинг шаъни ва қадр-қиммати; шахсий номулкий ҳуқуқларини қўриқлаш ва хурмат қилиш; шахсий ҳаёт ва уйжой дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Шаън ва қадр-қиммат фақат инсонга хос сифат бўлиб, у инсоннинг туғилганидан қўлга киритадиган ажралмас ва бошқаларга ўтказиб бўлмайдиган ҳуқуқ ҳисобланади, яъни маънавий дунёсини тавсифлайдиган номоддий бойликлардан ҳисобланади. Шахс шаъни ва қадр-қимматини химоя қилиш ҳуқуқининг эълон қилингани Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизими инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни эътироф этганини билдириб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь) нинг 12-моддасида² белгиланган Шахс номуси ва шаъни дахлсизлиги, шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил 19 декабрь) нинг 17-моддаси 1-қисмида «Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралashiш, унинг уй-жойи дахлсизлигига ёки ёзишмалари сирлари дахлсизлигига ўзбошимчалик билан ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилиш ва унинг ор-номуси ва шаънига тажовуз қилиши мумкин эмас»³ деб мустаҳкамланган меъёрларнинг узвий давоми сифатида намоён бўлади. Ўзининг сифатларига маънавий-ахлоқий баҳо бериш доим шахсий бўлиб, субъектив характерга эга. Шу боис у ижтимоий фикр билан мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин. Шунга қарамасдан, шахснинг қадр-қиммати, шахсни ички ўзини ўзи баҳолаш мезони ва жамиятнинг унга берган баҳоси ўзаро бирбирига боғланган мезонлардандир. Шунинг учун ҳам инсоннинг шаън ва қадр-қиммати катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, қонун томонидан химоя қилинади.

Шунингдек, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир. 27-модда

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги — шахснинг туғилиши билан вужудга келадиган ва ҳеч кимнинг аралashiшига йўл қўйилмайдиган инсоннинг ҳаётий турмуш тарзидир. Янги Конституция нормаларининг мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши барча ҳуқуқ соҳалари, яъни, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва бошқа соҳаларига дойр ҳуқуқий меъёрларда ўз аксини топган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонун

(09.01.1997)нинг 9-моддасига мувофиқ адвокат адвокатлик фаолияти сирини сақлашга мажбурдир⁴. Шундай қилиб адвокатга, адвокатура ходимлари

2. Инсон ҳуқуқлари диклорацияси 1948 йил. 10.12.

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси //Ўзбекистон Р

4. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни. 09.01.1997й.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисидаиги Қонуни 01.03.1997

ва мансабдор шахсларга адвокатлик сири предметини ташкил этадиган маълумотларни ошкор этиш ва ушбу маълумотлардан ўзларининг ҳамда учинчи шахснинг манфаатлари йўлида фойдаланиш ман этилади. Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонун (**01.03.1997**) нинг 6-моддасига биноан эса нотариусга, нотариал ҳаракатларни бажарадиган мансабдор шахсларга уларнинг хизмат вазифасини бажаришлари орқали маълум бўлган нотариал ҳаракатлар мазмунидаги маълумотларни ҳатттоки, ўз меҳнат шартномалари бекор бўлганидан сўнг ҳам, ошкор қилиш ман этилади. Бажарилган нотариал ҳаракатлар ҳақидаги маълумот фақат унга ёки унинг номидан ёхуд унинг топшириғига биноан нотариал ҳаракатларни бажарган шахсларга берилиши мумкин. Янги Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ҳеч ким қонунда кўрсатилмаган ҳолларда шахснинг рухсатисиз турар жойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни кўздан кечириши мумкин эмас.Faқат прокурорнинг рухсати билан жиноятга алоқадорлиги мавжуд деб гумон қилинаётган турар жойда юқоридаги хатти-ҳаракатларни амалга ошириш мумкин.⁵

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас. Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт. Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, мансабдор шахслар ҳам қонуний асоси бўлмаса, ҳеч бир шахсни ҳибсда ёки қамоқда сақлаб туришга ҳақли эмас. Ҳибсда ёки қамоқда сақлаб туриш учун қонуний асослар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 18, 242—248 ва 558-моддаларида қайд этилган. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийққа дучор этилиши мумкин эмаслиги. Ушбу норманинг ижросини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 17-моддасида судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилишлари шартлиги, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон

6.Ўзбекистон Республикасиниг Фуқаролик кодекси 12.03. 1995й.

⁵.Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисидаги Қонуни 01.03.1997 й

шашни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазиикқа дучор этилиши мүмкін әмаслиги алоҳида тартибда мустаҳкамлаб қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллӣй ва умуминсоний қадриятларга, давлат суверенитети принципларига, демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатлигини намоён қилиб, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шашни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи юксак масъулиятини англаған ҳолда, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфесиялараро тотувликни, қўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ТОШКЕНТ. «Ўзбекистон 1992. 8.12.
2. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ТОШКЕНТ. «Ўзбекистон 2023йил 1 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. ТОШКЕНТ. «Ўзбекистон» 2008йил. ТОШКЕНТ «ЎЗБЕКИСТОН» 2008. Муаллифлар жамоаси: Азизхужаев А.А. ю.ф.д, проф. Кириш, Мукдлдима, II боб, XXIII боб; Абдумажидов.Б ю.ф.д, проф. XXII боб (ю.ф.д, проф. М.Х.,Рустамбаев билан х,аммуалифликда); Ахмадшева М.А,ю.ф.и, доц. V боб; Ахмедов Д.К., ю.ф.д. XIII боб, 6-булим; Баратов М.Х, ю.ф н, доц. VIII боб; И.Б.Зокиров ю.ф.д, проф. IX боб;
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 12.03. 1995й.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни. 09.01.1997й.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»иги Қонуни 01.03.1997
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 12.03. 1995й.
8. Komilov, J. K. (2024). THE CRUCIAL ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN STUDYING HISTORICAL GRAPHIC SIGNS OF CENTRAL ASIA. *Science and innovation*, 3(Special Issue 3), 671-674.
9. Komilov, J. (2024). MONOPOLIZED MARKET KOKAND BRANCH of TASHKENT STATE TECHNICAL UNIVERSITY NAMED ISLAM KARIMOV. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 17(1), 72-75.

10. Ortikov, U. X. (2024). THE IMPACT OF FOREIGN LANGUAGE TEACHING ON THE LEXICOLOGY OF LOCAL LANGUAGES. *Oriental Journal of Philology*, 4(03), 297-303.
11. Ortikov, U. X. (2024). THE ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGY AND FOREIGN LANGUAGE IN THE STUDY OF HISTORICAL AND CULTURAL HERITAGE. *Science and innovation*, 3(Special Issue 3), 667-670.
12. Ortikov, U. K. U. (2024). THE EFFECTIVENESS OF TECHNOLOGY-ENHANCED LANGUAGE LEARNING METHODS. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 4(3), 162-179.